



Чор Империясининг Туркистонни парчалаш сиёсати ёхуд қўлбола миллат яшаш маҳорати

Халил Жиброн: «Ягона миллат бўлишига карамасдан майда кабилаларга бўлиниб олиб, хар бири ўзини алоҳида миллат деб ўйлаётган гуруҳларга хайф бўлсин». Халил Жиброннинг бу хазин сўзи худди биз ҳакимизда айтилгандек.

Афсуски, Ота боболаримиз яшаган буюк Туркистон, аввало иккига бўлинди ва алоҳида номланди: Шаркий Туркистон ва Гарбий Туркистон. Шаркий Туркистон Хитой мустамлакасига айланди. Гарбий Туркистон эса, Чор Россиясининг чангалида колди. Пекин ҳам, Москва ҳам “турк” сўзидан ўлгудек кўркишарди. Шунинг учун ҳам Хитой ҳукумати Шаркий Туркистонга “Sinkiyag” (Синьцзян) номини берди. “Sinkiyag” сўзи «Забт этилган янги ер» маъносини англатади.

Руслар ҳам Гарбий Туркистонни беш парчага бўлди: Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Киргистон, Козогистон (!) деб номладилар. Руслар Гарбий Туркистондан ташқари Крим ва Озарбайжонни ҳам мустамлакага айлантирган эди.

Шундай қилиб Москва, улуг ватанни, улуг ва ягона миллатни, катта-кичик парчаларга

бўлиб ташлади. Бўлинган ҳар бир халққа ўзи ўйлаб топган янгича миллат номини берди. Сўнгра бу халқлар устидан ўзларининг маккор режаларини амалга ошира бошлади. Масалан Озарбайжон халқи асосан Ўғуз қабилаларидан ташкил топган. Озарбайжон турклари ўғуз туркчасида гаплашар эди. Чор империализмининг янги раҳбарлари 1805 йиллардан бошлаб Озарбайжон Туркларига: «Сиз турк эмассиз! Сиз Ўғуз қабиласидансиз. Яъни сиз Озарбайжон миллатисиз. Турк эмассиз. Туркча эмас, озарбайжонча гаплашасизлар!»

Туркменистонда ҳам аксарият Ўғуз қабилалари яшаб, Ўғуз диалектида сўзлашар эди. Салжукийларни ва Усманийларни туркманлар курган эди. Руслар Туркменистонда ҳам айнан шу ўйинни ўйнадилар. Уларга «Турк бошқа, туркман бошқа! Сиз туркмансиз ва туркманча гаплашасиз! Турк эмассиз! Турк тилида сўзламайсиз. Турклар сизнинг маданиятингизни, тарихингизни тортиб олмоқчи. Сизларни уларнинг босқинчилигидан Кизил армия химоя қилади!» дедилар. Москва бунга ўхшаган бўҳтонларини бошқа Турк халқлари орасида ҳам кенг ёйди.

«Сиз козоксиз, турк эмассиз! Козокча сўзлашасиз! Сиз ўзбексиз! Сиз киргизсиз! Сиз татарсиз! Турк эмассизлар! Сиз ўзбекча, киргизча, татарча гаплашасизлар! Москва сизларнинг саводингизни очиш учун араб алифбосини олиб ташлаб, ўрнига жуда осон бўлган лотин алифбосини беряпти. Янги алифболаригизни, тезроқ ўзлаштириб, ўз динингиз ва миллатингиз қадриятларини ўрганишга ҳаракат қилинг»

Москванинг асл мақсади Туркистон турклари билан Туркия туркларини бир биридан алифболарини ўзгартириш орқали ажратиш эди. Бу тақдирда Туркистон туркларининг тарихлари йўқолар ва Туркияда нашр этилган асарларни бошқа туркий халқлар ўқий олмас ва тушуна олмас эди.

1926 йилгача бутун Турк олами ягона алифбони ишлатар эди. У ҳам бўлса, араб алифбоси. Руслар 1926 йили Туркистон халқининг алифбосини бутунлай ўзгартирди. Араб алифбосини бекор қилиб, ўрнига лотин алифбосини таъсис қилди. Худди ўша руслар Советлар таркибидаги арман, грузин, болтик халқларининг алифбосига кўл учларини ҳам теккашишмади.

1926 йили Туркияда, Эронда, Араб ярим оролида, Болконларда истикомат қилаётган турклар араб алифбосида қолди. Лекин Совет иттифоқи таркибидаги турклар эса, мажбуран лотин алифбосига кўчирилди. У ҳам етмагандай, янгича алифбога ҳар бир сунъий миллат учун бир-биридан фарқли қаида беш-олти дона янгича ҳарф суқиштирилган эди.

1928 йили Туркия турклари ҳам лотин алифбосига кўчди. Москва бу вазиятдан ҳавотирлана бошлади. Чунки Туркистон билан Туркия турклари яна ягона алифбо орқали "боғланиш" арафасида эди. Бу сафар Туркистон халқларининг алифбоси қириллчага кўчирилди. Ҳар бир туркий қабилла учун бир-бирдан фарқланадиган алоҳида қирилл алифбоси татбиқ қилинди. Бу орқали мустамлақачилар бизнинг миллатимиз устида ўйлаган ифлос режаларини яна чала қолдиришмади.

Бу ерда бизни ўйлашга мажбур қиладиган ҳолат шуки, дунёда ҳар бир миллатнинг ўз алифбоси бор. Инглизларнинг, французларнинг, хитойларнинг, японларнинг, яҳудийларнинг, арманларнинг, арабларнинг, грузинларнинг ўз алифболари бор. Ер юзида 29 та фарқли алифбода ўқийдиган ва ёзадиган ягона миллат бизмиз! Нима учун?

Хуллас руслар татбиқ қилган маданият борасидаги сиёсатлари орқали ягона турк халқимизни аввало бир нечта сунъий миллатларга бўлиб ташлади. Уларга ҳар турли

алифболар берди. Асрлар давомида турк тилининг турли диалектларида сўзлашиб келган Туркистон туркларини, бир-бирига бегона умуман бошқа миллат мансуби ва бошқа тилда гаплашадиган гуруҳлар эканликларига ишониришди. Чор Россиясининг босқинчилигидан аввалги эркин Туркистонда яшаб ўтган барча шоир ва олимларимиз "Мен китобимни туркийда битдим" дерди. Мустамлакага айлангач каламини ва миллатини сотганлар келиб чиккан уруг-аймогини миллатга айлантиришга уринишди. Шаркий туркистонда яшаётган миллати турк бўлган уйгур кардошларимиз ҳам ҳозир ҳудди шу жараёни бошларидан кечиришмоқда.